

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

26 ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!



«Абитуриент – 2017»

ЖИДДИЙ ИМТИХОННИНГ КАТТА ҲАЯЖОНЛАРИ

Буни яхши англаган бўқалик Рустам Маннопов ҳам тестга жиддий тайёрланди. Агросаноат ва транспорт коллежида ўқиб юрган пайтлари устозлари Жамила Фафурова, Муаттар Йўлдошева кўмағида математика, физика ва бошқа фанларни чуқур ўзлаштиришга ҳаракат қилди. Фарзандларимизнинг

интеллектуал салоҳияти юксалиб, илм олишга бўлган қизиқиш ва интилиши янада ошиб бораётган, ижобий маънода рақобат кучайган бугунги кунда алоҳида ҳозирликсиз мақсадга эришиб бўлмайди.

1 август кунини юртимиздаги олий таълим муассасаларида бўлгани каби Тошкент Давлат

аграр университетида ҳам тест синовлари ўтказилди. Соат 12:15 да имтиҳондан чиққан, ҳали ҳаяжон тарқ этмаган Рустам Манноповнинг суҳбатига тортидик. У «Ўрмончилик» факультетига ҳужжат топширган экан.

– Биринчи блок фани – математика бўйича яхши жавоб бердим, деб ўйлайман, – дейди у. –

Аммо, физикадан тушган айрим саволлар ўйлан-тирди, иккиландим. Энди умумий балл эълон қилинишини ҳаяжон билан кутамиз.

Қишлоқ ҳўжалиги учун етук кадрлар тайёрлашга ихтисослашган мазкур даргоҳга Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 майдаги «2017-2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, 21 та бакалаврият таълими йўналиши, 20 та магистратура мутахассислиги бўйича талабалар қабул қилинади.

Айтиш жоиз, ўқув юртида абитуриент ва ота-оналар учун бир қатор қўлайликлар яратилди. Тест синовини ҳар жихатдан адолатли ўтишини таъминлаш мақсадида барча зарур чора-тадбирлар кўрилди. Тажрибали педагог ва раҳбар ходимлардан таркиб топан назоратчилар гуруҳи шакллантирилди.

Маълум қилишарча, бу йил муассасага аби-

туриентларни қабул қилиш бўйича ажратилган квоталар аввалги йилларга нисбатан тўрт юз ўринга ошган. Янги «Балиқчилик» факультети очилган.

– Вилотимизда балиқчиликка ихтисослашган ҳўжаликлар кўпаймоқда, – дейди абитуриент Хосият Мардаева. – Мақсадим – ушбу сардоромад тармоқ ривожига аҳоли турмуш фаровонлигининг янада юксалишига муносиб ҳисса қўлиш. Янги ташкил этилган «Балиқчилик» факультетига шу ниятда ҳужжат топширган эдим. Мана, бугун тест ишладик. Ўтарлича балл тўпладим, деган умиддаман.

Таъкидлаш жоиз, ҳадемай бошланадиган янги ўқув мавсумида Тошкент Давлат аграр университети талабалари сафига бакалавр йўналиши ҳамда магистратура мутахассислиги бўйича 1 минг 620 нафар йигит-қиз қўшилиди.

Мурод САЛИМОВ,
Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат.

ШУКУХ

Шу кунларда она Ватан сарҳадларида ажиб тантана шуқуқ кезмоқда. Санокли кунлардан кейин энг улуг, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 26 йиллигини кенг нишонлаймиз. Бугунги тўйолди тадориклари вилотимизнинг Бўқа туманида ҳам кўтаринкилик билан давом этмоқда.



ОСУДА ҲАЁТ ҚАДРИ

Республика Маънавият ва маърифат маркази вилот бўлими ташаббуси билан туманининг «Катта Равот» маҳалласида «Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида ташкил этилган байрам тадбирида 250 дан зиёд киши иштирок этди. Улар тадбир меҳмонлари – ЎзМУ доценти, олим Ойнибек Муҳаммадиева, Ўзбек Миллий академик драма театри актери Тилибожон Мўминов, ҳушовоз хонанда ва бастакор Абзал Хусанов, шунингдек, туман «Нуроний» жамоаси, Ёшлар иттифоқи Кенгаши вакилларининг мазмуни суҳбатларини мароқ билан тинглаб, дилдан гурунглашишди.

– Мамлакатимиз мус-

тақиллигининг йигирма олти йиллик шодиёнасига бағишланган маънавий-маърифий тадбирларимизда, айниқса, ёшлар фаол иштироки эътиборга олинади, – дейди марказнинг вилот бўлими бош мутахассиси Нилуфар Хусанбоева. – Тинчлик-осойишталик, фаровонлик ҳукми сураётган жонажон Ўзбекистонимизнинг дунё мамлакатлари олдидаги нуфузи, обрў-эътибори ошиб бормоқда. Бу жараёнда тинчликни асраш, ёт ғоялар кутқуларидан доимо огоҳ бўлиш ҳар бир фуқароннинг муқаддас бурчидир.

Сайёра РИХСИЕВА,
Тошкент ҳақиқати
мухбири.
Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат.

МАЪРИФИЙ КЕЧА

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг мажлислар залида «Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

– Тез кунларда Истиқлолимизнинг 26 йиллик тўйини нишонлаймиз, – дейди Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев. – Шундай кунларда юртдошларимизда бугундан мамнунлик, эртасига

ишончни кўриб, хурсанд бўласан, киши. Уларнинг ҳар бирида шу Ватан, шу юрт равнақиға ҳисса қўлиш истаги бор.

Тадбирда таниқли олимлар, ёзувчи-шоирлар, театр актёрлари ва санъаткорлар иштирок этди.

Ўз мухбири.

СОҲА РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Кейинги пайтларда солиқ қонунчилигида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очмоқда.

Давра суҳбати

Тошкент вилоти давлат солиқ бошқармасида бўлиб ўтган йиғилишда шулар ҳақида сўз юритилди. Унда тадбиркорлар, бошқарма ҳузурида тузилган жамоатчилик маслаҳат кенгаши аъзолари, соҳа масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар тадбиркорлик субъектларини тизимда рўй бераётган ўзгаришлар билан таништириб бориш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳақида

сўз юритди. Шунингдек, нақд пул маблағларининг банк кассаларига тўлиқ қирим қилинишини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш,

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик қарорчалари орқали ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўз мухбири.
Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат.



Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Мамлакатимизнинг барча гўшасида истиқлолнинг 26 йиллик шодиёнларини муносиб кутиб олиш ва ўтказишга қизгин ҳозирлик кўриломоқда. Турли бунёдкорликлар ва ободончилик ишлари, айниқса, бу юмушларга камарбаста бўлаётган шижоатли ёшларни кўрганда, кўнглимиз фахру ифтихорга тўлади.

Жумладан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилот кенгаши томонидан талаба-ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ёзги таътил даврида уларни фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати фаолияти йўлга қўйилганлиги ҳар жихатдан ибратлидир.

Хусусан, айна дамда вилотнинг барча туман ва шаҳарларида вақтинча ишсиз, уюлмаган ҳамда ўқувчи талаба-ёшлардан иборат 196 та меҳнат отрядлари тузилган бўлиб, уларда жами 2 минг 453 нафар ёшлар қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш, қишлоқ ҳўжалиги, педагогик ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнат қилмоқда.

– Бундан қўзланган асосий мақсад – ёшларда Ватан равнақи, халқ фаровонлигига йўналтирилган бунёдкорлик туйғусини шакллантиришдир, – дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилот кенгаши раиси Дониёр Каримов. – Эзгуликка йўғрилган бундай ташаббусни амалга ошириш жараёнида ёшлар билан фахрийлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар ўртасида мулоқотлар, учрашувлар ҳам ташкил этилмоқда.

Шунингдек, бўш вақтларини фойдали меҳнатга сарф қилаётган ёшлар даромад орттириб, оиласига ёрдам бераётгани уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада ошириши шубҳасиз.

Қобилжон ҒОФУРОВ
олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

НОГИРОНЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН Қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Мамлакатимизда кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш тизими яратилди. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Шу билан бирга мазкур соҳада олиб борилаётган ишларни қониқарли деб бўлмайди.

Тўғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича кўрилатган чоралар қўтилган натижани бермапти. Чақалоқларни перинатал скрининг кўригидан ўтказиш тўғма нуқсонларни ўз вақтида аниқлашни ва ногиронлиқнинг кейинчалик олдини олишни таъминламапти.

Ёш болаларни ялпи комплекс скрининг кўригидан ўтказишни ташкил этиш ва олиб боришдаги камчиликлар реабилитация тадбирларини амалга ошириш учун қўлай фурсатнинг бой берилишига ҳамда болалар ногиронлиги пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Ногиронлик гуруҳини аниқлаш ҳамда протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари билан таъминлашда тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятидаги бюрократик тартиб-таомиллар бартараф этилмаган.

Шунингдек, ногиронлар учун реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш талаб этилади.

Ногиронларни ҳисобга олишнинг комплекс тизими мавжуд эмаслиги, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг етарлича жорий этилмаганлиги ногиронларнинг ижтимоий аҳолини мониторинг қилиш ва уларга ўз вақтида зарур тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш имконини бермапти.

Ногиронлиқни аниқлаш учун тиббий-ижтимоий экспертиза ўтказишда қўлла-нилатган мезонлар 40 йил аввалги услубиётга асосланган, мазкур соҳада чуқур илмий тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги бу муаммони янада кучайтирмоқда.

Ногиронларга таълим бериш ва уларни ишга жойлаштиришнинг амалдаги тизими замонавий талабларга жавоб бермайди. Ногиронларни меҳнат фаолиятига жалб этиш ўртача 2 фоизни ташкил қилади, бу эса масъул идораларнинг ушбу соҳадаги иши қониқарсизлигидан далolat беради.

Баён этилганларни инобатга олиб, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий

ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштириш, ногиронларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, таълим олиш ва ишга жойлаштиришда уларга ҳар томонлама қўмаклашиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилин.

2. Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия иловага мувофиқ таркибда ташкил этилин.

3. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари сифатида белгилансин:

ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни ундаги бўшлиқлар, камчиликлар ва коррупциявий омилларни аниқлаш нуқтаи назаридан инвентаризация ва таҳлил қилиш;

ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳолатини, уларнинг таълим олиш ва ишга жойлаштириш ҳуқуқлари амалга оширилишини, шунингдек, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш соҳасидаги ваколатли органлар фаолиятини танқидий ўрганиш;

ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэтироф этилган нормалар ва стандартларни, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг тавсияларини ўрганиш;

тиббий-малакавий комиссиялар ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятини шифофлик ва оқилликни таъминлаш, тартиб-таомилларни ўтказишни соддалаштириш ва уларнинг мuddатларини қисқартириш мақсадида қайта кўриб чиқиш;

ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, шунингдек, уларнинг малакасини ошириш бўйича, биринчи навбатда, ногиронларни иш билан таъминлашга қаратилган ишлар аҳолини таҳлил қилиш;

ногиронлар учун протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва техник янгилаш, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича ўрганишлар ўтказиш ва таклифлар тайёрлаш;

Давоми 2-бетда. ➡

Бунёдкорлик шижоати



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИНОГИРОНЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

ногиронларнинг жамоат транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан тўқинликсиз фойдаланишини таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш; ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш таъминлаш, туғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш соҳасидаги қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни, шу жумладан, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш ишларини тубдан кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

4. Комиссия: бир ҳафта мuddатда ўзига юклатилган вазифалар — Бошланғич 1-бедра.

ни сифатли ва мuddатда бажаришни таъминлаш учун ишчи гуруҳлари ташкил этсин, шунингдек, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини ўрганиш, ушбу соҳадаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш бўйича тадбирлар режасини тасдиқласин;

2017 йил 15 сентябрга қадар мuddатда ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича асосланган тақлифларни киритсин.

5. Комиссияга вазирлик ва идораларнинг мутахассисларини, республика илмий ва таълим муассасаларининг вакилларини, шунингдек, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг ресурслари ва экспертларини жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

6. Масъул вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Комиссияга юклатилган вазифаларни амалга оширишда ҳар томонлама қўмаклашсин.

7. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И. Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 1 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойишига шарҳ

Мамлакатимизда кексалар, пенсияонерлар, ногиронлар ва имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш тизими яратилди. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Шу билан бирга туғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш бўйича кўрилатган чоралар қўтилган натижага бермапти. Жумладан, жорий йил 1 январь ҳолатига 650 284 нафар шахс ногирон деб топилган, уларнинг 84 908 нафарини 16 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Уларга ҳар йили Давлат бюджетидан 2,5 триллион сўм миқдорида пенсия ва нафақалар тўланади.

Ўрганишлар соғлиқни сақлаш органлари томонидан ҳомиладор аёлларнинг 60 фоиздан ортиги скрининг текширишлари билан қамраб олинмаганлигини кўрсатди. Касалликлар ўз вақтида аниқланмаганлиги оқибатида 3 568 нафар бола туғма нуқсонлар билан туғилган.

Республикада қачоқларга нисбатан ўтказиладиган перинатал скрининг тадқиқотлар фақат икки турдаги тадқиқотларни ўз ичига олади (қалқонсимон без гармони етишмовчилиги, ақлий қўлоқликка олиб келадиган нуқсонлар) ҳамда бу туғма нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш ва ногиронлигини кейинчалик олдини олиш учун етарли бўлмапти.

Ёш болаларни ялпи комплекс скрининг тадқиқ этишни ташкил қилиш ва ўтказишдаги камчиликлар реабилитация тадбирларини амалга ошириш учун қулай фурсатнинг бой берилишига ҳамда болалар ногиронлиги пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Ногиронлик гуруҳини аниқлаш ҳамда протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари билан таъминлашда тиббий-маслаҳат комиссиялари ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятида бюрократик тартиб-таомиллар бартаф этилмаган. 2016 йилда ва жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг "ишонч телефони"га 5 521 та мурожаат келиб тушганлиги ҳам бундан

далолат беради.

Ногиронларни ҳисобга олишнинг комплекс тизими, ногиронларга имтиёзли шартларда бериладиган дори воситалари ва ортопедия буюмларининг ягона электрон ҳисоботи ҳамда ушбу соҳада шаффофликнинг мавжуд эмаслиги ногиронларнинг ижтимоий аҳолини мониторинг қилиш ва уларга ўз вақтида зарур тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш имконини бермапти, алоҳида ҳолларда коррупция, талон-торож ва бошқа суистеъмолчиликларни келтириб чиқаради.

"Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасида назарда тутилган ногиронларнинг кириши учун мослаштирилмаган ҳолда аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуришга, транспорт воситаларини ишлаб чиқаришга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги норма амалиётда тўлиқ рўйга чиқарилмапти. Ногиронларнинг спорт, маданият, таълим ва бўш вақтини мазмунли ўтказадиган бошқа ижтимоий объектлардан эркин фойдаланиши лозим даражада таъминланмаган. Имконияти чекланган болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказадиган махсус жойларни ташкил этиш бўйича ташаббус мавжуд эмас.

Шунингдек, ногиронлар учун реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш бўйича қорхоналарни модернизация қилиш талаб этилади. Республикада ногиронлар учун протез маҳсулотлари ва реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш бўйича 7 та қорхона фаолият юритади, уларнинг аттиги 2 таси замонавий талабларга жавоб беради. Бошқа қорхоналарда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар маънан ва жисмонан эскирган бўлиб, бу тайёрланмаган буюмларнинг, биринчи навбатда, протез-ортопедия буюмларининг сифати ва қулайлигига таъсир кўрсатади.

Ваколатли давлат органларининг ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолияти ёрдамга муҳтож шахсларни қидириш ва ҳисобга қўйишга ҳоҳиш йўқлиги сабабли, қоида тариқасида, айнан ногиронларнинг аризалари асосида ташкил этилади.

Ногиронларга таълим беришнинг амалдаги тизими замонавий талаб-

ларга жавоб бермайди, уларни меҳнат фаолиятига жалб этиш даражаси ўта паст ҳисобланади, бу масъул идораларнинг ушбу йўналишда етарли иш олиб бормаслигини далолат беради.

Шу сабабли, давлат раҳбарининг жорий йил 1 августда қабул қилинган фармойиши билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилди.

Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштириш, ногиронларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, таълим олиш ва ишга жойлашишда уларга ҳар томонлама қўмаклашиш мақсадида Фармойишга мувофиқ **Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган тақлифларни тайёрлаш бўйича комиссия** ташкил этилди.

Комиссиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни ундаги бўлиқлар, камчиликлар ва коррупциявий омилларни аниқлаш нуктаи назаридан инвентаризация ва таҳлил қилиш; ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳолатини, уларнинг таълим олиш ва ишга жойлашиш ҳуқуқлари амалга оширилишини, шунингдек, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш таъминлаш соҳасидаги ваколатли органлар фаолиятини таъкидлий ўрганиш;

ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэтироф этилган нормалар ва стандартларни, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг тавсияларини ўрганиш; тиббий-малакавий комиссиялар ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятини шаффофлик ва очиқликни таъминлаш, тартиб-таомилларни ўтказишни соддалаштириш ва уларнинг мuddатларини қисқартириш мақсадида қайта қўриб чиқиш;

ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни касбга тайёр-

лаш, қайта тайёрлаш, шунингдек, уларнинг малакасини ошириш бўйича, биринчи навбатда, ногиронларни иш билан таъминлашга қаратилган ишлар аҳолини таҳлил қилиш; ногиронлар учун протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш қорхоналарини модернизация қилиш ва техника янгиллаш, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича ўрганишлар ўтказиш ва тақлифлар тайёрлаш;

ногиронларнинг жамоат транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан тўқинликсиз фойдаланишини таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш;

ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, туғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда олдини олиш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида соғлом турмуш тарзини, шу жумладан, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш ишларини тарғиб қилиш тубдан кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Бундан ташқари, Комиссияга ўзига юклатилган вазифаларни сифатли ва мuddатда бажаришни таъминлаш учун ишчи гуруҳлари ташкил этиш, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини ўрганиш, ушбу соҳадаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш бўйича тадбирлар режасини тасдиқлаш, шунингдек, жорий йил 15 сентябрга қадар мuddатда ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича асосланган тақлифларни киритиш топширилди.

Фармойишда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши **ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштиришга, таълим олиш ва ишга жойлашишда уларга ҳар томонлама қўмаклашишга, коррупциявий қўриқчилар ва бошқа ҳуқуқбузарликларни бартаф этишга, пировард натижада ногиронлар тўлақонли ҳаёт кечирishi учун зарур шароитларни яратишга хизмат қилади.**

Пайшанба — жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни

«ЮЗСИЗ»ЛАР ҚОНУНГА ЮЗМА-ЮЗ КЕЛДИ

Вилоятда ҳафта мобайнида содир этилган жиноятлар бўйича 373 марта муҳокама ўтказилди. Уларда 108 минг 250 нафардан ортиқ фуқаро қамраб олинди. Лекин шунга қарамай, ҳамон жойларда жиноятлар содир бўлмоқда. Ахир, жиноятга жазо муқаррарлиги, қилмишга яраша қонун олдида жавоб бериш кераклигини кўра-била туриб, жиноятга қўл уришни қандай тушуниш мумкин?

Ҳафта давомида вилоят ҳудудида 96 та жиноят қайд этилгани кишини жиддий таъвишга солади. Уларнинг 2 таси қасддан одам ўлдирish ҳолати эканлиги эса ҳавотирли ҳолат. Демак, икки киши бу дунёни бевақт тарк этди, фарзандлари етим қолди, 2 оила оғир жудодликка учради. Жиноятчиларнинг қўли қонга беланди. Шунингдек, 4 та қасддан баданга оғир шикаст етказиш, 19 та ўғрилик, 14 та фирибгарлик, 1 та безорилик, 1 та товламачилик, 1 та гинёвандлик ҳолатлари аниқланди.

Содир этилган жами 96 та жиноятнинг 88 таси "иссиқ изи"

йўқолмасдан" фош этилган ва тезкор-тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. 7 та ўғрилик, 1 та қасддан баданга оғир шикаст етказиш жинояти бўйича айбдорларни қидириш топил ва уларни қонун доирасида жавобгарликка тортиш борасида барча тергов ва тезкор чоралар қўрилмоқда. Ҳафта давомида қидирувда юрган 27 нафар шахс ушлан-ди.

Рақамларга мурожаат қила-минз. Ҳуқуқбузарлик содир этган 2 минг 480 нафар фуқарога нисбатан маъмурий баён-номалар расмийлаштирилди. Майда безорилик содир этган 18 нафар кимса жиноят ишларини бўйича судларнинг қарор-

лари билан маъмурий қамоққа олинди.

Банкнинг шоввоз
ходими

Ўрта Чирчиқ туманида яшовчи, катта бир банкнинг туман филиали мутахассиси Р. К. ўзганинг мулкни яшириш мақсадида, миқозларнинг пластик картчаларини компьютер дастури орқали телефон рақамига улаб олади. Одамларнинг 13 миллион сўмдан зиёд пулларини таниши номидаги пластик картчага тушириб, ўз эҳтиёжлари-га ишлатиб юборган. Банк раҳбарлари ҳам ҳодимлари устидан назоратни кучайтиришлари-га тўғри келмоқда.

"Мутахассис" ҳар қанча пихини ёрган бўлмасин, барибир қонун билан тўқнашишга тўғри келди. Ахир, ҳаром лўкма кимга ҳам буюрган?

Текин ноутбуки
бўламан деб...

Чирчиқ шаҳрида яшовчи, вақтинча ишсиз, 1977 йилда туғилган Т. У. уйига ўғри тушиб, умумий нархи тахминан 5 миллион 855 минг сўмлик "Ленова" русумли ноутбуки, қўл соати, ошона хижоҳлари ва 200 минг сўм пули ўғирлаб кетилганини маълум қилган. Тезкор чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни Чирчиқ шаҳрида яшовчи 18 ёшли йигитлар Ш. К. ва О. Х. содир этганлиги аниқланди, ушланди. Ачинарлиси, энгил пул топиш илжинидаги бу икки йигит келажига пугур етиб, уларга жиноятчи, деган тамга босилганлигидир.

Ўз ўғлини...

Зангиота тумани ИИБга 20 июль куни соат 07.30 да пенсияонер, 1954 йилда туғилган А. Т. ўғли билан жанжалла-

шиб, уни бўйнидан сочқ билан бўғиб, ўлдирганлиги ҳақида мудҳиш хабар келиб тушди. Суд тиббий эксперти-засининг хулосасига кўра, ўғлининг ўлимига бўйин аъзоларини ўтмас юмшоқ жисм билан бўғилиши натижасида келиб чиққан механик асфиксия сабаб бўлганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан иш қўзғатилди. А. Т. ушланди. Терговни прокуратура олиб бормоқда.

Жаҳл чикса,
ақл кетар

Олмалик шаҳри, "Меҳр" кўчасида яшовчи Х. Х. 65 ёшга етганда, катта хатога қўл урди. У турмуш ўртоғи А. Х. билан ўзаро жанжаллашиб, унинг чап тараф кўкрак қафасига пичоқ билан уриб, оғир тан жароҳати етказган. Натижада, жабрланувчи шифохонага ётқизилган.

Хуришда ТУРСУНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

□ Интилиш

Халқимизда "Хунарли киши хор бўлмас", "Хунар — зар" каби пурҳикмат иборалар бор. Дарҳақиқат, хунари бор инсон ҳеч қачон муҳтожлик билмайди. Ёш бўлишига қарамай "қўли гул чевар", дея атрофдагилар тилига тушган Анаора Ботирова тикувчилик касби ортидан кам бўлмапти. "Паркент моҳир қўллар" оилавий қорхонасини гуллаб-яшнаши йўлида тинимсиз меҳнат қилмоқда.

АНОРАНИНГ
АҲДИ

— Юртимизда оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор тўғрисида мен каби ёшлар, айниқса, хотин-қизлар бандлиги таъминланаётгани қандай яхши, — дейди Анаора Ботирова. — Дастлаб, биз ҳам оила аъзоларимиз кўмағида битта тикув машинаси сотиб олиб, иш бошлаган эдик. Айни кунга келиб эса олам Лобар Шерматова билан бирга ишимиз кўламини кенгайтириб, тоғналаримизни йиғиб, тикув машиналар сонини кўпайтирмоқдамиз. Оилавий қорхонамиз ортидан рўзгоримиз бут, хонадонимизда эса фаровонлик ҳукмрон.

Анорани ҳаётдан миннатдор эканини эшитиб, унга ҳавас қилдик. Албатта, чевар қиз айтгандек, бу ҳаловат ўз-ўзиндан бўлаётгани йўқ. Бунинг учун шижоат, тинимсиз меҳнат, изланиш ва янгилик яратиш иштиёқи бўлиши керак инсонда. Мухими, бажараётган ишинг ўзингга ёқиб, ёқиб керак. Шунда чарчоқ ва зерикish нима эканини билмайси.

Анаора Ботирова тикувчилик касбига ёшлигидан ҳавас қилди. Болалигида онаси қизларига бежирим қўйлақ-

қизнинг мурғак қалбига хунарга меҳр уйғонган бўлса ажабмас. Унинг тикувчилик касбига қизиқиши янада ошишида коллеждаги устозларининг ўрни катта бўлди. Анаора чеварлиқни янада пухта ўзлаштириш илжини 2015 йилда Тошкент шаҳридаги "Машхура-зиё" ўқув марказида тахсил олиб, маҳоратини ошириб қайтди.

Оилавий қорхонага асос солган кезлари маҳаллий хом ашё асосида аёллар ва болалар учун кийим-кечаклар тикиб, сотувга чиқарди. Айни кунда эса келин сарполар, пардалар, махсус иш кийимларига буюртмалар олиб, иш кўламини кенгайтириб бормоқда. Албатта, тикаётган маҳсулотлар сифати, замонавийлиги билан хариддорларни қўлга олиш керак.

Хуллас, "Бойқозон" маҳалласида яшовчи "Паркент моҳир қўллар" оилавий қорхонаси раҳбарининг режалари катта.

Анаора тўқимачилик ва энгил саноат инсти-тутига ўқишга кириб, тадбиркорлик фаолияти кенгайтириб, хунарга эғаллашга қизиқадиган қизлар учун кўплаб иш ўринлари очиб ниятда.

Дилфуза
МИРОБИДОВА.

□ Зангиота томонларда

РАҲБАРЛАР БОЛАЛАР ҲУЗУРИДА

Туман ҳокими, прокурори ҳамда ички ишлар бошқармаси бошлиғи вилоят силга қарши кураш болалар сўхатгоҳида бўлишди.

Улар сўхатгоҳда до-воланаётган болалар билан учрашиб, яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан таниш-дилар. Болаларга ки-йим-кечак, шахмат-шашка, турли хил ўйин-чоқлар, сўхатгоҳга

озиқ-овқат маҳсулотла-ри берилди.

Шу кун "Кенсой" ва "Озодлик" маҳаллалари-да яшовчи иккита эҳти-ёжманд оиланинг ҳоли-дан хабар олиниб, улар-га замонавий тикув ма-шинаси совға қилинди.

ИШ ЎРИНЛАРИ КўПАЯДИ

Туркистон қишлоғи, "Саховат" маҳалласи ҳудудида илгари фақатгина фермер хўжаликлари, бир нечта хусусий дўкон фаолият юритаётганди.



Бугун эса маҳаллада тадбиркорлик ҳам ривожланиб, қорхоналар сони тўрттага етди. Қувонарлиси, бу ерда маҳаллий аҳоли доимий иш билан банд. Айни кунларда яна бир қорхона фаолиятини бошлаш арафасида. Дори воситалари иш-

лаб чиқаришга ихти-сослаштирилган қорхона юртимиз Мустақил-лигининг 26 йиллиги арафасида иш бош-лайди.

Мазкур масъулияти чекланган жамият иш бошлагач, жами 20 киши доимий иш ўрни-га эга бўлади.

– 2013 йили Олмазор қишлоқ ҳўжалиги касб-хунара коллежининг молия йўналишини тугатиб, туманимиздаги "Ўринбой ҳўжи" фермер ҳўжалигида иш бошлади, – дейди Сардор. – Икки йилча шу ерда ишлаб, тажриба оширдим. Ғалла ва пахтага ишлов бериш, суғориш, ҳўсилини йиғиб-териб олиш, ерни озик-лантириш, қачон ва қандай қилиб шудгор қилиш, тақририй экин экиш билан боғлиқ кўп нарсаларни ўргандим.

Бугунги кун ёшларининг дунёқараши кенг, ўз режа, позиция ва фикрига эга, деб кўп ёзамиз. Бунда жон бор. Мисол учун, 23 ёшли Сардор фермернинг айтишича, у "Ўринбой ҳўжи" фермер ҳўжалигида ишлаб юрган кезлари мустақил равишда иш бошлаш, яъни фермер бўлиш, фермер бўлганда ҳам фаол, кўп тармоқли ҳўжалик фаолиятини йўлга қўйиш ҳақида ўйлаган, ўзининг аниқ мақсади бўлган экан. Ёш бўлишга қарамай, орзусига етиш учун астойдил ҳаракат қилиб, ютуқларга эришгани эътиборга молик.

– Баландраров гап эмас, мамлакатимиз ёшлари ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда, – дейди Сардор. – Шундай бўлгани учун мендек энди йигирмадан ошган оддий қишлоқ йигит-қизлари турли соҳаларда фаолият юритаётир, хусусан, фермерлар сафига қўшилган. Ер олиш пайти режаларим билан танишган ҳўкимият вакиллари кўмак бериб, омад тилади. Амал-тақал қилиб фаолият бошладик. Худуддаги тажрибали деҳқон ва фермерлардан маслаҳат ол-

дим. Ёмон бўлмади, ишимиз юришиб кетди.

Деҳқон оиласида дунёга келган, суғи далада қотган бу йигит мустақил фермер сифатида иш бошлаган 2016 йил 31 гектар ерга экилган ғалладан 40,5 қарийб шунча майдондаги пахтадан 40 центнердан ҳўсил олишга эришди. Бугундан бўшаган ерга картош-

лов. – Натижада, ҳўсилдорлик юқори бўлмади. Бу йил ҳам шундай бўлмасин, деб ҳар хил таъсирларга чидамли нави танлашга ҳаракат қилдик. Адашмаган эканмиз, бу нав ҳақиқатан ҳам касалликларга чидамли, унча-мунча шамолга ётиб қолмас экан. Муҳими, дони бўлиқ, тош босадиган.

унумдор, сувида муаммоси бўлмаган туманимизда бу усулнинг кенг жорий этиш вақти келди. Бу қандай амалга оширилади? Оддий. Мисол учун, йил бошида ерга тушган картошка узоғи билан май-июнь ойида қавланади. Ўрнига мош, ловия ёки бошқа ўсимлик экиш мумкин. Унинг ҳўсили йиғиб-те-риб олинган эса, қўлатлар се-

бўлмайди-да. Буни Сардор яхши билади.

Фермернинг ўттиз беш гектар ерда парваришланётган пахтаси шу кунгача 4-5 марта культивация қилинибди. Доимий ишлов берилиб, икки бор суғорилган ғўза гулга, гул шо-нага, шоналар эса қўсақларга айланмоқда. Қарийб икки гектарли, жорий йил ҳўсилга кирган тоқзорларда Хўсайни ва Ризамат ота навли узум пи-шиб, етилаётир. Пахта ва ғалла майдонлари четига ош-қовоқ ва макжаҳўхори экилган. Улардан олинадиган ҳўсил ҳўжалик ишчиларининг моддий манфаатдорлиги янада яхшиланишини таъминлайди.

...Кенгликдаги ажиб манза-ра – яқин атрофдаги тоқзор туторлар, ям-яшил тусга кирган ғўзалар, ҳар-ҳар жойдаги баланд дарахтлар эътиборни тортади. Тўғри, бу оддий ҳол. Аммо, ойлар давомида ҳар кун соатлаб компьютер қар-шида ўтирган одамга бу бир оз бошқача таъсир қиларкан, кайфияту руҳиятни кўтариб, илҳом бахш этаркан.

Кечга яқин экинзорларни тарқ этарканмиз, Сардор Ғаф-форовнинг режалари билан қизикдик. У келажакда тижо-рат банки ҳамкорлигида пар-рандачилик ва чорвачиликни ривожлантириш, 65 сотих ерни гилосзорга айлантириш, қи-шлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган корхона ташкил этиш, маҳсу-лот экспортга эришиш, қола-верса, қўллаб янги иш ўрин-лари очилиши мақсад қилган. Режалар чакки эмас. Муҳими, мақсад аниқ.

Ҳўмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Партиялар ҳаётидан

ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР САФИ КЕНГАЙДИ



Янгийўл туманида Ўзбекистон Либерал-демокра-тик партияси вилоят Кенгашининг "Аёллар қаноти" томонидан "Мустақилликка менинг ҳиссам" шиори остида ташкил этилган "Ишбилармон аёл – 2017" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз муста-қиллигининг 26 йиллиги-га бағишлаб ўтказилган танловда партиянинг ту-ман ва шаҳар босқичла-рида қилиб бўлган 28 нафар тадбиркор, фер-мер ҳамда хунараманд аёл ўзаро беллашди.

Низомга мувофиқ, иштирокчилар янги иш ўрни яратгани, экспор-та йўналтирилган ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқар-гани, хизмат сифати ҳамда янги инновацион-гояларига кўра баҳолаб борилади.

Танлов якунида "Неъ-матжон олмалари" фер-мер ҳўжалиги раҳбари Раъно Бобоева биринчи, "Янгиобод келажак са-ри" масъулияти чеклан-ган жамияти раҳбари Ойша Қурбонова иккинчи, "Хон қизи" масъулияти чекланган жамияти раҳ-бари Шохидо Эрматова учинчи ўринни қўлга ки-ритди. Қўлибларга тан-ловнинг республика бос-қичида иштирок этиш

Йўлланмаси топширилди.
Шунингдек, кўрик-тан-ловда хотин-қизлар ўрта-сида тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда бандлигини таъминлаш-да ташаббус кўрсатган иштирокчилар ўртасида "Замонавий тадбиркор аёл портрети", "Йилнинг мурувватли ишбилармон аёли", "Қишлоқ инфра-тузилмасини ривожлан-тираётган фермер аёл", "Ташаббускор аёл", "Би-тирувчи қизларга энг кўп иш ўрни яратган ишби-лармон аёл" каби номи-нациялар бўйича ҳам қўлиблар аниқланди.

Тадбир доирасида ишбилармон, хунараманд ва фермер хотин-қизлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.

Қўлиб ва совриндорлар ташкилчиларнинг дип-лом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ШИКОЯТИНГИЗ БЎЛСА, КЕНГАШГА КЕЛИНГ

"Миллий тикланиш" демократик партияси Қўйи Чирчиқ тумани кенгашида фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш кўни ташкил этилди. У ерда аҳоли то-монидан келиб тушган шикоят ва мурожаатлар кўриб чиқилмоқда.

Яқинда Сайдулла Тук-сиетов ҳамда Абдуға-фур Оқулов тадбиркор-лики бошлаш учун кре-дит олишда ёрдам сўра-ди. Уларнинг масаласи-га тезда ечим топилиб, тижорат банки томони-дан кредит расмийлаш-тирилди.

Шунингдек, ишга жойлашмиш масаласи юзасидан фуқаролар Юлия Идрисова ҳамда Рустам Маменовнинг му-рожаатлари ўрганилиб, уларнинг келини ҳозир-да иш билан таъминлан-ди.

Халқ фаровонлиги йўлида амалга ошири-лаётган бундай сайё-ҳаракатлар, фуқаролар учун яратилаётган им-кониятлар юртимизда инсон манфаатлари барча нарсадан устун эканлигини аққол на-моён этмоқда.

Хўрида МҲМИНОВА.

Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газета-мизнинг интернетдаги манзили –

www.thtp.uz

орқали ҳам танишингиз мумкин.

Тадқиқот

Башариёт пайдо бўлибдики, тез юқувчанлиги, хавфлилиги билан инсон ҳаётига таҳдид солади-ган оғир хасталиклар билан курашиб келади. Улар орасида сил ҳам бор. Маълумки, сил инфекция-юқумли касаллик бўлиб, асосан ҳаво-томчи йўли орқали юқди. Инфекциянинг асосий манбаи ак-сарият ҳолларда бемор одам ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН ФТИЗИАТРАЛЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

Тарихий ва тиббий манбалар, қадимшунос-ларнинг топилишлари-дан сил одамзот пайдо бўлганидан буён унга хавф солиб келиши ҳақида маълумотлар бор. Хусусан, Миср фиръавнлари қолдиқла-ри – суюқларида ушбу касаллик белгилари то-пилган. Дунё тиббиёти-да муҳим манба ҳисоб-ланган "Тиб қонунлари" асарига Абу Али ибн Сино сил ўта юқумли касаллик сифатида одамдан одамга юқиши-ни ёзиб қолдирган. Сил кўзгатувишининг 1882 йилда немис олими Ро-берт Кох 17 йиллик из-ланишлари натижасида кашф қилди.

Ўзбекистонда истиқ-лол йилларида инсон саломатлигини мустаҳ-камлаш, соғлиқни сақ-лаш ва тиббиёт соҳаси-даги ислохотлар сама-расида аҳолининг яшаш сифати яхшиланиши, профилактика ишлари-нинг изчил йўлга қўйил-гани ва тиббий савия-нинг ошаётгани сил билан касаллишни кўр-саткичининг кескин ка-майишига олиб келди. Юртимизда сил касал-лигини аниқлаш ва да-волаш хизматлари ко-нунчиликка биноан бепул амалга оширилади. Уш-бу касаллиқнинг барча кўринишларини тўлиқ даволаш учун имконият-лар етарли.

Вилоятимизда ҳам аҳолини бу касалликдан ҳимоя қилиш, унга қар-ши курашиш бўйича му-айян ишлар амалга оши-рилмоқда. Хусусан, ви-лоятда барча шaroит-ларга эга 60 ўринга мўлжалланган болалар сил шифохонаси ишга туширилди, сил ва сил-нинг резистент тури би-лан касалланган бемор-ларни узлуқсиз давола-ниши ташкиллаштирил-ди, мажбурий ва хавф-ли гуруҳ контингентла-рининг флюорография текширувлари мунтазам ўтказилмоқда.

Шунингдек, вилояти-

миздаги Болалар сил сиҳатгоҳи, Фтизиатрия ва Пульмонология ши-фохонаси, шаҳар ва ту-манлардаги сил бўлим-лари таъмирланиб, зар-ур жиҳозлар билан таъ-минланди. Ушбу жаҳ-да хизмат қилаётган ши-фокорларнинг малакаси-ни ошириш, касаллиқни аниқлашнинг замонавий усулларини ўзлашти-ришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойлар-да, аҳоли ўртасида тар-ғибот ва тушунтириш ишлари мунтазам ўтқа-зилмоқда.

Албатта, бу сайё-ҳар-катлар натижасида сил билан касалланиш ва ўлим ҳолати сезиларли даражада камайганини алоҳида таъкидлаш ло-зим.

Мамлакатимизда сил-нинг олдини олиш ва даволаш самарадорли-гига эришиш бўйича илмий-амалий тадқиқот-лар давом эттирилмоқ-да ва бу соҳада муайян ютуқларимиз бор. Хусу-сан, М. Н. Тиллашайхов, Н. Н. Парниева, В. Г. Бе-лоцерковцевнинг "Ўзе-бекистон Республикасида аҳолига кўрсатиладиган фтизиатрия хизматини такомиллаштиришнинг фундаментал асосини ташкиллаштириш" ама-лий тадқиқоти сил диа-гностикаси ва уни даво-лашнинг фундаментал асослари яратилгани, бу борада амалга ошири-лаётган ишларнинг са-вияси юқорилиги, ама-лиётда кенг фойдалани-лаётгани, фтизиатрия соҳаси тараққиётига ул-кан ҳисса қўшмоқда. Олимларимизнинг ушбу амалий тадқиқоти мам-лакат ва халқаро миқё-сда илмий жамоатчилик томонидан алоҳида эъти-роф ва эътиборга олингани учун уларнинг машаққатли меҳнати дав-латимизнинг юксак му-қофотига сазовор бў-лишга лойиқдир.

Абдувоҳид СОДИҚОВ,
Вилоят силга қарши кураш диспансери бош шифокори.

СЎНГГИ ПУШАЙМОН ЁМОН

Баъзан озиғна бепарволигимиз катта ташвиш келтириб чиқариши мум-кин. Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ҳам ана шундай мусибатларга дучор этади.

Чоршанба – ёнгинлар профилактикаси кўни

Бу борада вилоят ёнгин хавфсизлиги бошқармаси томонидан қўллаб-самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг 2017 йил 23 майдаги "Ички ишлар органлари ёнгин хавф-сизлиги бўлиналари фаолиятини тубдан та-қомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси-ни таъминлаш мақсади-да Заңгота тумани ИИБ ёнгин хавфсизлиги бўлинимаси ходимлари томонидан туман худ-удида жойлашган 6 та бозор ва савдо комп-лекслари ишчи-ҳодим-лари, тадбиркорлар ва фуқаролар ўртасида кенг қамровли тушунти-риш ишлари олиб бо-рилди. Тадбирда 2 минг 134 нафар фуқаро қамраб олинган. Шу-нингдек, тадбир доира-сида туман Халқ таъ-лими муассасалари фаолиятини методи-



таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қараш-ли 18 та МТМда, тиб-биёт бирилмасига қа-рашли 12 та даволаш муассасасида учрашув-лар ўтказилиб, мазкур Қарорнинг мазмун-мо-ҳияти бўйича йўриқно-ма ва тушунтиришлар берилди.

"Ёнгинлар профила-ктикаси кўни" доирасида ўтказилган йиғилишда 2017 йилнинг июнь ойи давомида 104 та (2016 йил 119) та ёнгин қайд этилиб, сабаблари таҳ-лил қилинганда, улар-нинг 18 таси носоз газ ва печь ускуналари-дан,

29 таси электр ускуна-ларидан, 23 таси очиқ оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқи-батиди юзага келган аниқланган.

Ҳаётимиз, фарзанд-ларимиз, мол-мулкимиз ўт балосидан хатарсиз бўлсин десангиз, ёнгин хавфсизлиги қоидала-рига риоя қилинг. Газ, иситиш ва электр уску-наларидан тўғри фой-даланинг, болаларни ёлғиз қолдирманг ва уларнинг гуғурт ўйнаш-ларига йўл қўйманг.

Абдуллоҳ АЛИМОВ,
Заңгота тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи.

Вилоятимиз ҳудудида 24-30 июль кўнлари 39 та ёнгин қайд этилди. Улар-нинг 14 таси аҳоли уйла-рига тўғри келди. Ёнгин сабаблари ўрганилганда, 9 таси электр симлари-нинг қисқа туташуви, 7 таси болалар шўхлиги, 23 таси оловдан эҳтиётсиз-лик билан фойдаланиш оқи-батиди содир бўлгани аниқланди.

101 ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ҳафтанинг ҳар чор-шанбаси "Ёнгинлар профилактикаси кўни", деб белгилангани муно-сабати билан, эндилик-да соҳа ходимлари то-монидан аҳоли ва таш-килотлар ўртасида ёнгин хавфсизлиги қоида-ларига риоя этиш тўғрисида учрашув ва тушунтириш ишлари янада кенг қўламда ўтқа-зилмоқда.

Ҳурматли фуқаролар! Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қи-линг. Зеро, хотиржам-лигимиз ўз қўлимизда эканлигини унутмай-лик.

Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ.

Бизга ёзадилар

Тахририятимизга Бўстонлик тумани, "Хумсон" қишлоғидаги "Тўлаган ота" фер-мер ҳўжалиги раҳбари Х. Тўлагановдан хат келди. Унда ҳўжалиқнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари поймол этилаётгани тилга олинади.

ИМЗО ҚАЛБАКИ, АММО ТАШВИШЛАРИ ҲАҚИҚИЙ

Хатда ёзилишича, ҳўжали-қнинг асосий йўналиши боғ-дорчилик. Туман ҳўкимининг 2012 йил 7 декабрдаги қаро-рига асосан, унинг 18,1 гек-тар ер майдони давлат эҳти-ёжи учун олинган. Даставвал, у бунга қаршилик қилмаган. Кейинчалик олинган ер эва-зига туман ер захирасидан 9 гектар ер майдони ажратил-ган. Фермер бу ерни обodon-лаштириб, 6,5 гектар жойга 3 минг 800 туп мевали дарахт кўчати ўтказиб, парваришлаб келмоқда. Лекин шунга қара-май, ҳўжалик раисини огоҳ-лантирмасдан, унинг розили-гисиз, ердан фойдаланиш тўғрисидаги ижара шартно-маси шартларига зид равиш-да иш тутилибди.

Туман ҳўкими 2016 йилнинг

20 декабрида туман прокура-турасининг 2015 йил 12 июндаги протестини вақ-қилиб, мазкур ер майдонини собиқ эгаси "Султонали" фермер ҳўжали-гига қайтариш тўғрисидаги қарорини имзо-лайди. "Туман прокурорининг протести туман ҳўкимлиги то-монидан 19 ойда (!) кўриб чиқилганини қандай изоҳлаш мумкин?!" деб ёзади фермер ва табиийки, қарордан нороз-зи бўлиб, туман ва вилоят прокуратурасига мурожаат қилади. Туман прокуратураси-



нинг 2017 йил 17 февралда-ги жавоб хатида "Султона-ли" фермер ҳўжалиги раҳба-ри С. Миралиевнинг 2015 йилдаги мурожаатига асосан, тергов олиб борилгани, ҳўжа-лик раҳбарининг ерни туман захирасига қайтариб бериш

йил ўтиб, "Тўлаган ота"нинг ери борлигини эслаб, проку-ратурага мурожаат этгани ту-шунарсиз эмасми?

Фермер ҳўжалигини огоҳ-лантирмасдан, шартнома шартларини бузиб, қарор чи-қаришни тушуниш қийин. Энди, фермер кўрган зарар-ни, боғ яратишга қилинган сарф-харажатларни ким тўлайди?

Туман ҳўкими прокурату-ра протестини бир ярим йил кўриб чиқадиими? "Султонали" фермер ҳўжа-лиги раҳбарининг имзоси-ни қалбақлаштириш ким-га керак бўлди? Бунинг азобини Х. Тўлаганов торти-ши керакми? Саволлар кўп. Лекин, афсуски, бу саволлар очиқ қолмоқда...

Президентимиз томонидан жорий йилга "Халқ билан му-лоқот ва инсон манфаатлари йили", дея ном берилиши за-мирида фуқароларимизнинг шу каби муаммоларини ҳал қилиш, уларнинг давлат идо-раларига бўлган ишончини оширишдек эзгу мақсад му-жассам. Шундай экан, "Тўла-ган ота" фермер ҳўжалиги билан боғлиқ мазкур англа-шилмовчиликка ҳам ҳолис ечим топилади, деган умид-дамиз.

